

# МАШИНА—ДЕХҶОН ҚАНОТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлаштиниз!



## СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН \* 10 сентябрь 1968 йил, сешанба \* № 212 (14.074). \* Баҳоса 2 тийин.

### БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, ДУСТАЛАР!

9 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон пойтахт области жамоатчилиги вакилларининг Болгарияда социалистик революциянинг 24 йиллигига бағишланган тағтинали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда доклад қилган Тошкент области партия комитетининг секретари Х. Р. Мусақонова ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари социалистик нурида болтар халқи аришган жуда катта муваффақиятлар туғрисида, Болгария Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида парор толган дўстлик алоқалари мустахкамлаб борётганини ҳақиқатлар мемури билан гапирдилар. Улар области меҳнатчилари яқиндан алоқа ўрнатган Хасенов округи меҳнатчиларига самимий салом йўлладилар.

Тошкентда ўқитган болтар студенти Иван Койчевнинг кутқизи йиғилиш ахли қизғин кутиб олди. Иван Койчев, мейнги ватанинга энг яхши тиланлар билдираётганининг учун сиз совет кишиларига қизгин миннатдорчилик билдираман, деди.

Йиғилиш қатнашчилари болтар — совет дўстлиги умумхалқ комитети номига, Софияга табринома йўлладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишончи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди. (ЎЗАТА).

ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЕТИ ВА САЊЪАТИ ДЕКАДАСИ

### ДУСТАЛАР УЧУН УЧ ПРЕМЬЕРА

Шу кунларда Тожикистон шаҳар ва кишлоқларининг кўчаларида кўллаб афиша ва рекламаларни кўриш мумкин. Бу афиша ва рекламаларнинг баъзиларида тожики томошабинлари яхши биланган ва севадган танкида ўзбек кинематографларининг фотосуратлари ҳам бор. Бизнинг артистларимиз тожики томошабинларига кейинги вақтларда яратилган янги образлари ҳам тўғри қилдилар. Ўзбекистон кинематографчилари тожики дўстларига аjoyиб совға таъёрладилар — улар ўз дўстларни хузурига уч янги бадиий лента олиб келдилар. Бу ленталар — К. Ерматовнинг «Революция чавандозлари», А. Хамроевнинг «Дилором» фильм-операси ва Ш. Аббосовнинг «Тошкент — нон шаҳри» фильми.

Ўзбек адабиети ва сањъати декадаси кинематографиянинг байроғи 7 сентябрда пойтахтдаги Жомиий номли кинотеатрининг янги чиройли биноси устига тинкилди. Бу бинода тантанали суратда кинематография очилиши. Ана шу маросимда жуда кўп томошабинлар билан бирга Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Раҳимов, Республика Олий Совети Президенти Раисининг ўринбосари Н. Зарипов, Тожикистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Каримов, Республика Министрлар Совети хузуридаги кинематография комитетининг раиси С. Мирзоев ҳам қатнашдилар.

Тўпланганлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишоновани, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимовни, ўзбек киносањъати арбобларини самимий табриқладилар.

Тожикистон кинематографчилари союзи прваленесининг биринчи секретари Б. Кимёгаров бундай деди: «Ортимизда қувончи дамлар кўми сурмонда. Биз нардош ўзбек халқининг ўғил ва қизлари, кино сањъати бўйича дўстларимиз ва ўртоқларимизни кўриб олдик. Биз Ковил Ерматов, Шукур Бурxonов, Раҳим Пирмухамедов сингари жуда кўп аjoyиб истеъодли кишилар билан шуғулланган ўзбек кинематографиясининг вакилларини самимий табриқлаймиз. Тожики кинематографчилари халқига садоқат билан хизмат қилганини ўзбек дўстларидан урганганилар ва ўрнатганликлари билан ҳақиқий равишда фахрланамиз.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитетининг раиси А. П. Каюмов ўзбек делегациясини номидан гапириб ўзбек сањъатдорларининг хизматларига юксак баҳо берганиларини учун тожики дўстларига ташаккур билдирди.

«Юрида айтиб ўтилган уч фильмдан ташқари фестивал кунларида «Тоҳир ва Зухра», «Осиё устида бўрон», «Фарқдорнинг масорати» деган фильмлар ҳам кўрсатилди. Республика шаҳар ва кишлоқларининг меҳнатчилари ўзбек сањъатдорлари пратган хужжатли фильмлар: «Тошкент», «Зилзила», «Миллий цирк», «Беш минг набиранинг бўёғи» деган ленталарни ҳам томоша қилдилар.

Душанба, 9 сентябрь.  
(ЎЗАТА махсус мухбирлари).

### ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

БУ ЙИЛ 1 МИЛЛИОН 700 МИНГ ТОННА ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛДИ

ТЕРМИ БОШЛАНГУНЧА 3,5 МИНГДАН КўПРОҚ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ ОЛАМИЗ

ЖАМИ 28 МИНГ МАШИНА ИШЛАЙДИ

ҲАР ЮНИ МАШИНАДА 75 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРИШ МУМКИН

ҚУЛДА ТЕРИШ БИЛАН ҚУШСАК МИНГ ТОННА БУ

БУ — ЯИЛЛИК ПЛАНИ ПРОЦЕНТИДАН КўПРОҚ

# ТЕРИМ МУВАФФАҚИЯТИНИ МАШИНА ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ш. РАШИДОВ,  
Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий  
Комитетининг биринчи секретари.

Пахтачилик — меҳнатсевар, фидокор, доворак ва матонатли кишиларнинг иши. Пахтакорларимиз худди ана шундай кишилар бўлганлиги бизни қувонтиради. Улар йил сайин меҳнатда қаҳрамонлик, юксак маҳорат намуналарини кўрсатиб келмоқдалар. Табиатнинг қанча-қанча офатлари ва инжиқликлари бўлмасин, қанча-қанча тўқинликлар учрамасин улар ҳаммиси бу қийинчилик ва тўқинликлар билан оғир курашда голиб чиқиб, пахта етиштиришни муттасил кўпайтирмоқдалар, мамлакатимиз халқлари олдидаги ўзларининг интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Бу йилнинг баҳори ва йил ёзи пахтакорлар учун гоьят оғир бўлди. Жала, дўл, сел, қаттиқ довул ва шамоллар, ҳавонинг паст келиши — ана шуларнинг ҳаммаси пахтазорларга офат бўлди, жуда катта майдонларда чигитни қаёқта экишни талаб қилди, гўза ниқолларининг ўсиб ривожланишини анча секинлаштирди. Лекин пахтакорлар юксак даражада уюшқоқлик ва чидем билан, жипслик ва матонат билан табиатнинг бу офатларига қарши курашдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати ҳамда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг катта ердами тўғрисида республиканинг ҳамма қолхоз ва совхозларида мўл пахта хосили етиштирилди. Энди вазифа шуки, бу хосилни жуда қисқа муддат ичиде териб олиб, пахта таъёрлаш пиланини биринчи нав пахтакорлар билан бажаришимиз керак. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда пахта териш машиналари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Пахта ниқолида териб ишларини муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирги кунда замин экирилимоқда — терим олдида гўза барглари тўқирилмоқда. Мамлакат бизни бу иш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлаб қўйди. Республика қолхоз ва совхозларига ҳеч қачон бу йилгидек кўп самолёт берилмаган эди. Бу самолётларни гўза барглари тўқирини ахши сифатли қилиб бажаришда ва самолётларнинг серурум ишлашини таъминлай оладиган малакали учувчилар бошқармади. Қўжаликлар сармалари дефолантлар билан етарли миқдорда таъминланган.

Кўп районлар шу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиб, гўза баргларини тўқирини ўз вақтида бошлаб юбордилар. Қерши, Қорақўл, Свердлов, Оқкурғон ва бошқа районларда бу иш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Пахтакор, Илчи районларида эса, бу иш тугай деб қолади.

Бирок, гўза баргларини тўқирининг аҳамиятига ҳануз етарли эътибор бермаётган раҳбарлар ҳам бор. Дефоланцияни, яъни гўза баргларини тўқирини жуда сусткашлик билан бажарётган районлар айниқса Фарғона ва Андижон областларида оз эмас. Москва, Ўзбекистон, Бўз, Ленин, Балиқчи ва бошқа бир қанча районларда қўсалар кўллаб очилганига қарамай, гўза баргларини тўқирини аслини олганда ҳали бошлангани йўқ, ҳар хил баҳоналар билан бу иш орқага суртилмоқда.

Бу ахлоқ катта ҳаф тугайди! Шу нарса очик маълумки, теримни бошлаш олдида гўза баргларини тўқирини тайёргалик солиш қўсаларнинг очилишини кенгайтириб юборида ва пахта ниқолида терини бошлаш мўддатларини орқага суриб, хосилнинг нобуд бўлишига олиб келади ҳамда пахта сифатини ёмонлаштирилади. Натижанда давлатга ва хўжалиқларга катта зарар етди.

Гўза баргларини тўқирини шунақчи майда иш эмас, балки жуда катта хўжалик ва сийсий аҳамиятга эга бўлган ишдир. Раҳбар кадрларимизнинг партиявий зийраклиги, пахта терини машиналаштиришга бўлган ҳақиқий муносабати шу ишда синиб қўрилади.

Ҳозир энг муҳим вазифа шуки, гўза баргларини тўқирини ахши 6-8 кун ичиде тугайлаб, пахта териш машиналарининг ишлаши учун кенг майдон очиб беришимиз керак.

Даваларни бегона ўтлардан ҳам тез тозалаб қўйиш лозим. Бу иш бажарилмас, машиналарнинг ахши ишлашини ва пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаб бўлмайди.

Ҳар бир районнинг, ҳар бир хўжалиқнинг раҳбарлари пахта ниқолида териш ишларини ўтказиш пиланини яна бир марта агрофилика ўйлаб, тенқидий кўз билан кўриб чиқишлари керак. Аввало, мавжуд техникадан ахшироқ фойдаланиш йўли билан машинада териш учун мўлжаллаб қўйилган пахтанинг ҳажминини кўпайтириш мумкинлиги ёки йўқлигини аниқлаб олиш керак.

Пахта терини машиналаштиришда орттирган катта тажрибамиз бор. Утган йил жами хосилнинг 38 процентидан кўпроги машиналарда териб олинган эди. «Зангори кема» қолхоз ва совхоз далаларида мустақам жой олади, пахтакорнинг содиқ, забардаст дўсти бўлиб қолди, деҳқонларнинг энг оғир меҳнатини ўз зиммасига олиб, буни ўзининг пўлат қўллари билан бажариб бермоқда.

Лекин биз эришган муваффақиятларга махлиб бўлиб кетмаслигимиз керак. Пахта териш техникасининг имкониятларидан ҳамма жойда ҳам хали тўла фойдаланганимиз йўқ, кўпгина хўжалиқларда терим машиналарининг иш унуми хали ҳам кам, бу машиналарнинг кўп вақт кўпроқ туриб қолгани йўқ бўлишига, пахта ниқолида сифатли қилиб теришга етарли эътибор берилмаётган.

Бу йил биз терим мавсуми бошлангунча 3,5 мингтадан кўпроқ янги пахта териш агрегатлари оламиз. Демак, республикада жами 28 мингта терим машинаси ишга тушади. Шу машиналар ердамида ҳар кун 75-80 миң тонна пахта териш мумкин. Қўлда терилган пахта ниқоли кўшсақ, ҳар кун 120-125 миң тонна, ёки йиллик планнинг 3 процентидан кўпроқ пахта териш мумкин.

Лекин бунинг учун пахта териш машиналарининг ҳаммаси икки смена бўлиб, кечало-кундуз ишлаши керак. Партия ташкилотлари

учун бундан келиб чиқадиган муҳим вазифа шуки, улар ҳар бир машинани албатта иккита механик-ҳайдовчи билан таъминлашлари лозим. Машиналарга техникавий хизмат кўрсатишни ҳам пахта териш кил эйтиш, бунинг учун етарли миқдорда кўча автоустаконлар ва малакали соловчи механиклар ажратиб қўйиш зарур.

Машинада терилётган пахтанинг юқори сифатли бўлиши учун кураш партия, совет ва кишлоқ хўжалик органларининг диққат марказида териш лозим. Машинада терилган пахтада биринчи сорт пахтанинг салмоғи кўп бўлса, бунинг учун ҳукумат мукофоти тайинлаб қўйганини туғрисидаги қарорини механизаторларга, пахта ниқолида териш билан шуғулланган ходимларнинг ҳаммасига кенг тушутириш керак.

Бу йил пахта териш техникасидан фойдаланишдаги янгилик шуки, пахта терини комплекс механизациялаштиришга кенг миқдорда ўтказилди. Демак, пахта ниқолида теришга мўлжаллаб қўйилган даладордаги пахтанинг ҳаммаси қўл меҳнати ишлатилмасдан, пахта териш, кўрак териш машиналари билан ва тўқилиб қолган пахта-ларни йиғиштириш оладиган машиналар билан териб олиниши керак.

Терим мўддатларининг қисқартирилиши, ҳар кун топширилган пахтанинг ҳажми кескин равишда кўпайтирилиши пахта тозалаш заводларининг, бутун пахта таъёрлаш шохобаларининг ходимлари олдида юксак талаблар қўйди. Улар келтирилатган пахтанинг ҳаммасини тайинлиқ қабул қилиб олдики таъминлашлари, транспортнинг бекор туриб қолганига, пахта ниқолида териш поток технологиясининг бузилишига йўл қўймасликлари мўлғало шарт. Ҳар бир таъёрлаш пункти соат механизацияда энг ишлаши керак. Машинада териб топширилган пахтанинг ҳаммасини ўз вақтида қўриб олиб, пахта таъёрлаш ва бу пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш учун қўриш-тозалаш цехлари кечало-кундуз тайинлиқ ишлаб туриши зарур.

Пахта ниқолида териш кенг жорий қилинганлиги тўғрисида биз кейинги йилларда қолхоз ва совхозларга терим вақтида четдан ишни кучи жалб қилишни анча қисқартиришга муваффақ бўлдик. Бир неча йиллардан бери шекар мактабларининг ўқувчилари пахта теришга юборилганини йўқ. Бу йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ҳамма мактаблар, билим юрталари, техникумларнинг ўқувчиларини, олий ўқув юрталарининг студентларини пахта теришга жалб этмасликка биринчи марта қарор қилдилар. Бу қарорнинг жуда катта сийсий аҳамияти бор. Эндикликда мактабларда ва ўқув юрталарида таълим-тарбия ишларининг сивасини ошириш, ўқувчиларнинг тағин ҳам пахта билан олишлари, уларни гоьий чинкиришни кучайтириш, йиллар олдида физкультура ва спортни ривожлантириш учун гоьят қулай шарт-шароит вужудга келтирилади. Партия, совет, касабасоюз ва комсомол ташкилотларининг, халқ маорифи органларининг, ўқув юрталаридаги профессор-ўқитувчилар составининг бурчи шуки, улар бу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиб, ўзларининг ишларини ёш авлодга таълим ва тарбия беришда ҳеч қандай брак бўлишига йўл қўймайдиган қилиб олиб беришлари керак.

Ўқувчилар ва студентларни пахта теришга сафарбар қилишдан воз кечилганлиги бизнинг зиммамизга пахта териш машиналаридан фойдаланиш, қолхоз ва совхозларда ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини пахта теришга тортиш учун тағин ҳам кўп куч ва гоьят сарфлаш мажбуриятини юқлайди. Механизаторларнинг, ҳамма теримчиларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб бериш, уларга мадания-машиин хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйиш зарур.

Пахта ниқолида механизация ривожлантирилганлиги, хосилни машинада териш жорий қилинганлиги пахтакорлар ҳаётида, республикадаги барча меҳнаткашлар ҳаётида ҳақиқатан зўр инқилоб бўлди. Техника тараққийини янада жадаллаштириш пахтачиликни тағин ҳам, тобора кенг миқорда юксалтириш учун янада катта истиқбол очиб беради.

Ўзбекистон мамлакатининг асосий пахта базаси бўлиб қолди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буюн ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳозир республика партия ташкилоти пахта етиштиришни 1975 йилда 5 миллион тоннага етказиш учун курашмоқда.

Бу — катта бўлса ҳам, лекин бемалол бажариш мумкин бўлган вазифа. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Бу имкониятларнинг, аввало, пахта ниқолида теришдаги муваффақиятларимиз таъминлаб беради. Яқин-яқин вақтларда биз икки миллион тонна пахта ниқоли тўрт ой ичиде териб олиниши аранг удаллаб, бунинг учун хосилни етиштиришга сарф бўлган миқдорда вақт сарфлаб қолган бўлсақ, эндикликда республика икки ой ичиде 4 миллион тоннадан кўпроқ пахта ниқоли териб олиб, пахта териш пиланини тўла бажаришга.

Икки қаторли осма терим машинаси яратилганлиги олга қўйилган катта қадам бўлди. Шу машинани ишлаб чиққан ва жорий қилган бир гурупа конструкторлар ва механизаторлар Ленин мукофоти

тига сазовор бўлдилар. Тўрт қаторли аjoyиб «Ўзбекистон» машиналарини ишлаб чиқаришга киришди. Шу машиналарнинг ҳар бири кунига 8-10 тонна пахта териб, бир ўзи 150 теримчининг ишини бажарди. Шу йилнинг ўзидаёқ мамлакат пахтакорлари 1700 га яқин мана шундай машина оладилар. Кунига 15-20 тоннагача пахта териб бера оладиган олти қаторли терим машиналари синовалдан ўтказилмоқда. Қолхоз ва совхозлар кўрак териб берадиган, тўқилиб қолган пахта ниқолини берадиган, кўрак нувийдиган янги машиналарни, агарма прицепларни ҳамда терим ишларини механизациялаштирадиган бошқа машиналарни тобора кўпроқ миқдорда олмақдалар. Мана шу техниканинг ҳаммасини ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан биз яқин уч-тўрт йил ичиде жамики пахта хосилни машинада териб олиш, терим мўддатларини қисқартириб, 35-40 кунга келтириш, пахта териш ишларида меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш имкониятига раал равишда эга бўлиб қоламиз. Бундай техникага эга бўлмасдан гуриб, 5 миллион тонна пахта етиштиришни хатто оруз ҳам қилиб бўлмаслиги равшандир.

Пахта териш техникаси билан бир қаторда гўзани парвариш қилиш ишларини механизациялаш ҳам кенг ривожлантирилди. Т-28Х4 ва МТЗ-50Х маркали бакуават, янги чопиқ тракторлари ишлаб чиқарила бошлади, тағин ҳам ахшироқ тақомиллаштирилган селкалар, культиваторлар, ер текислаيدиган машиналар ва бошқа машиналар чиқарилоқда. Ҳозирги вақтда синиб қўрилётган янги нодир машиналар ҳам оз эмас.

Шу техникани яратиб бераётган конструкторларга ҳамда «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чиркисельмаш», «Ташавтомаш» заводларининг, Ўзбекистон трактор йиғиш заводининг ва бошқа заводларнинг шонли коллективларига пахтакорлар чин кўнглидан ташаккур айтамоқдалар.

Пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтиришга раал имконияти борлигини шундан ҳам билиш мумкинки, партия ва ҳукумат ирригацияни ривожлантиришга жуда катта гамхўрлик қилмоқдалар. Лениннинг янги ерларни сугориш туғрисидаги васиятлари муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Мирзачўлдаги, Сурхон—Шеробод водийсидаги, Қерши даштидаги, Амударёнинг этакларидаги, Марказий Фарғонадаги унумсиз ерларни улаштириш борисида республикада жуда катта ишлар қилинмоқда. Янгидан янги каналлар, сув омборлари, коллекторлар, насос станциялари ҳамда бошқа ирригация иншоотлари ишга туширилмоқда. Сув тақчиллиги тугатилмоқда, ерларнинг мелiorатив ҳолати ахшиланмоқда. Бу эса, ҳар доим муттасил мўл ҳосил олиш учун шарт-шароит яратиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакат экомомикасиде пахтанинг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиб, пахтачиликни химиялаштиришни ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Пахтакор хўжалиқларини минерал ўғитлар билан тобора кўп миқдорда таъминламоқда, асалликлар ва зараркунанда ҳашаротлардан экинларни химиявий химоя қилиш воситалари тақомиллаштирилмоқда, дефолантлар ва десикантлар тобора кенг қўлланилмоқда, гербицидлар олина бошлади.

Механизациялаш ва химиялаштириш негизида янги агротехника, камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл ва эрпаишар пахта хосили етиштиришнинг прогрессив технологияси вужудга келмоқда. Иш унуми юксак ва қамрови кенг техникани қўлланиш учун майдон очиб беришни кенг қаторли, 90 сантиметрли қилиб чигит экиш жорий этилганлиги пахта етиштиришнинг, айниқса қўриқ ерлардаги катта-катта массивларда пахта етиштиришнинг илгор технологиясини ривожлантириш йўлида қўйилган янги қадам бўлди.

Бизнинг селекционерларимиз пахтанинг серурум, тезлишар ва вилта бардош берадиган янги навларини яратиб бермоқдалар.


Прогрессив агротехникани жорий қилиш натижасида ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг янги формалари — комплекс механизациялашган бригадалар ва эвенорлар вужудга келди. Шулар билан бирга механизациялаш ишини олдинда силкита оладиган, арзон пахта етиштиришни юксалтириш учун курашда оладиган кишилар ҳам ўсиб етишди. Булар олиқиммат, юксак маданиятли, ижодкор ва революцион ғайратли кишилардир. Биз бундай кишилар сифтини тайинлиқ кўпайтира беришимиз лозим.

Бизнинг бурчимиз — янги, илгор нарсаларнинг ҳаммасини жорий қилмоқ учун тағин ҳам зўр бериш ва кўн билан курашишдан, мехнаткашлар оммасини мўл пахта хосили учун курашдаги резервлар ва имкониятларнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланишга кенг сафарбар қилишдан иборат.

Республика партия ташкилоти пахта ниқолида терини тағин ҳам қатъият билан кенг жорий қилмоқ учун ҳамма чораларни кўради. Тез фурсатда жамики пахта ниқолида териб оладиган бўлиб қоламиз!

В. И. Ленин тугилган кўннинг 100 йиллиги яқинлашмоқда. Барча совет кишилари каби республика пахтакорлари ҳам, бу улуғ санани муносиб кутиб олиш учун ҳозирланмоқдалар. Улар бу йил Ватанга 4 миллион 100 миң тонна пахта берамиз, 1 миллион 700 миң тонна пахта ниқолида териб топширамиз деб ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятини шараф билан бажаришга маҳкам бел боғлангандар. Бу эса, улуғ йўбончи тугилган кўннинг юз йиллигига аталган совғалар ҳазинасига Ўзбекистон меҳнаткашлари қўшган салмоқдор ҳисса бўлади.

БЕПОЕН пахтазорларда «зангори кема»лар жавдон ура бошлади. Наманган областидаги «Гулбоғ» совхозида ҳам машина терими авж олиб кетди. Бу суратда Холдор Абдураҳимов бошлиқ бригада далагида машина терини тасвирланган.



Ш. Осмоилов фотоси.

# МАШИНАГА



Бу райондаги Юсуфжон Шодмонов номи колхоз механизаторлари 930 гектар ердаги пахтани машиналарда териб беришмоқчи. Бунинг учун айниқса хотин-қиз механизатор кадрлар яхши ўқитилди ва улар ҳозир теримни бошлаб юборишга тайёр бўлиб туришди. Суратда: илгор механик-ҳайдовчилар [чапдан ўн-га] М. Эсанова, Т. Мирзаалиева, Х. Умарова, А. Хуррибоева, Я. Усмонова, опа-сингил Ибодат ва Орзулгул Антовалар, С. Абдуллаева ва А. Дехқоновалар.  
У. Раҳимов фотоси.

## ЯНГИ ПАРВАЗГА!

Азиз дўстлар! Суяғи меҳнатда қотган, пахтачиликда камол топган пахлавонлар! Азалдан жафоқаш ва фидокор пахтакорларимиз бу йил ҳам катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Мамлакатга ҳамда 4 миллион 100 минг тонна оқ оғтин етказиб бердик, деган вазданимиз қоплайдиган даражада дурдонимиз олоқ очилди бошлади. Далаларга ўзгача ғайз кирди. Пахтакорнинг меҳнат махсули бутун жамолини кўз-кўз қила бошлади. Демак, эндиги вазифа—ана шу ҳосилни муимкин қадар барвақт ўқитиб олиш ва мамлакат хирмонларига уйишдан иборатдир. Ҳақли равишда дала гвардиячилари деган шарафли номи олган механик-ҳайдовчиларимиз шу куннинг азизларини жуда яхши ва равшан ҳис этиб турибдилар. Чунки, агрегатларга навабт келиб қолди. Бу йил ҳосилнинг 1 миллион 700 минг тоннасини «зангори кема»ларда саранжомлаб олишимиз зарур. Бунинг учун республикамиз пахтазорларида 28 мингта яқин агрегат жавлон уриши керак.

Ҳосилнинг кўпроқ қисмини бункерлардан бўшатилиши ташаббусини бошлаб берган Сирдарё областидаги «Самарқанд» совхози, Тошкент области Янгийул районидagi «Интернационал», Бўха районидagi «Октябрь 40 йиллик» колхозлари механизаторларини бу борадаги тажрибалари ҳамма учун ўрнак бўлмоғи шарт. Нега десангиз улар ва шуларга ўхшаш илгор ҳўжаликлар машина терими афзалликларини яхши тушуниб, дефолиацияни барвақт ўтказишга, ҳосилнинг қариб қолмаси бункерлардан бўшатилишига эришишга.

Машина терими тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин, кадрли дўстлар, биз, бу йилги пахтаимизни тезроқ йиғиштириб олиш учун шу кеча-кундузда нималар қилишимиз кераклиги тўғрисида, муҳим тадбирлар тўғрисида ўз фикримизни билдиришмоқчимиз.

Узингизга маълум, сентябрь ойи жуда яхши келди. Об ҳавони кузатиб туришчи синоптикларимиз бундан буён ҳам ҳаво илчи ва очик бўлишини айтмоқдалар. Шундай экан, ҳамма жойда ғўза баргини сунъий равишда тўқтиришни жуда тез ва сифатли ўтказайлик. Кишлоқ тўхналик авиациясидан, химикатлардан самарали фойдаланайлик. Агрегатлар айланадиган майдонлар текис, равои бўлсин. Ҳамма жойда муимкин қадар машина теримини оммавий равишда тезроқ бошлаб юборайлик.

Гарчи, бу йил баҳор анча ноқулай келган бўлса-да, деҳқонларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда, олимларимиз билан ҳамкорликда жуда катта тадбирларни амалга оширдилар. Бунинг натижасини ғўзалардаги бўлиқ кўсаларга, чанқоқ эриб лўппак очилаётган пахта тоаларида кўриб юракдан қувонмоқдамиз. Шу боисдан ҳам пахтагачи октябрь ойи охириларига тўла-тўқис йиғиштириб олишга шоянмоқчимиз зарур.

Механизаторлар — ваздасига вафодор кишилардир. «Пўлат отлар билан 1 миллион 700 минг тонна пахтани териб оламиз дедикми, бу — биз учун қонуни. Терим машинаси мавсумда ўрта ҳисобда 40-45 кун ишлайди, бу ёнғиначиликлар бошлангунча пахтани саранжом-саришталеб олиш имко-

ният деб тахмин қилаёлик. Агар ҳар бир агрегатда бир кунда ўртача 3 тоннадан пахта терилишига эришсак, республикамиз бўйича ҳар кун машиналар бункеридан 80 минг тоннадан кўпроқ оқ оғтин бўшатган бўламиз. Агар шунга эришсак, машина терими плани, нақадар барвақт бажарилишини кўз олдигага келтириб кўринг-а! Бунинг учун кўзимиз ҳам, имкониётимиз ҳам етарли.

Бироқ бизда ҳар бир агрегат билан кунда 5-6, 8-10 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта терадиган механизаторлар бўлиши билан бирга, 2-3 тонна ҳатто ундан ҳам кам терадиганлари йўқ эмас. Бу йил ана шунга қолоқ иш унуми бўлмаслиги керак. Аввало, бу йил ғўзани машинабоп қилиб ўстиришга дуруст эътибор берилди, пайкалларда йи-

гона ўт жуда кам, ҳатто кўпгина далаларда ўт йўқ. Эндиликда дефолиацияга зўр бериш жуда зарур бўлиб қолди. Бу иш обробида сифатли ўтказилса, ҳеч шубҳа йўқки, терим агрегатлари ҳамма жойда унумли ишлайди.

Пахтакорлар ҳаётида энг қизгин, энг масъулиятли дамлар бошланди. Агрегатини ремонт қилмаган ҳўжалик уни дарҳол созлаб, дала бошига чиқарсин. Пахта машинабоп бўлиб очилган бўлса, теримни дарҳол бошлаш керак. Катта-катта пайкалларда машиналарни группа ўсулида ишлатиш тағин ҳам яхши самара беради.

**Кадрли дўстлар!** Бу йил пахтачилигимиз тарихининг яна бир олтин саҳифасига машиналар терган пахта улкан рақамлар билан ёзиб қўйилди. Шундай экан, сиз-у биз, янги, юксак парвозга овланайлик, ҳамма жойда машина теримини оммавий равишда қизитиб юборайлик. Қамда 1 миллион 700 минг тонна оқ олтинни агрегатлар билан териб олиш учун берган ваъданимизни октябрь ойининг охириларигача шараф билан бажарайлик.

- Жавод КҲЧИЕВ,** Мамажон ДАДАЖОНОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор.
- Турсуной ОХУНОВА,** Янгийул районидagi Киров номи колхозининг участка бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган механизатор.
- Шаймардон ҚУДРАТОВ,** Шеробод районидagi «Советобод» совхозининг бригадирини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор.
- Маннон ЖАЛОЛОВ,** Буа районидagi «Партия XX съезди» колхозининг бригадирини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты.

## ПЛАН — 30 КУНДА

Совхозимиз Қашқадарнинг кўп тармоқли ва йиллик ҳўжаликларидан бири. Пахтачилик барча тармоқлар ичда етакчи ҳисобланади. Бу йил деҳқонларимиз 3335 гектар майдонда пахта етиштиришди. Улар ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 8000 тонна оқ оғтин етказишга мажбуриятни тўла қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди. Ҳозир ҳам пахта далаларида иш гўҳтагилгани йўқ. Экин майдонларида ўсиб чиққан бе-гона ўтларни тозалаш, ғўзани сугориш давом эттирилди. Ғўза парвариши агротехника қондалари асосида сифатли ўтказилганлиги тўғрйли ҳосил аниқ эрта етилади.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти пахта йиғиш-теримини қисқа муддатда тамомлашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Пахтагачи терим ва тайёрлаш графикни тузиб чиқди. Ишчиларимиз 1 сентябрь кунини теримга тушишди. Шу кун 2000 киши этак борлаб далага чиқди. Графикка мувофиқ ҳар бир теримчи мавсумда 8000 килограммдан, шу жумладан сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳар кун 60 килограммдан, 10 сентябрдан 1 октябргача 80 килограммдан, 1 октябрдан 10 октябргача эса 50 килограммдан пахта териши зарур. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти теримда қатнашаётганларга қулай маданиял-маиший шароитлар яратиб беради. Уларнинг бутун мавсум давомида унумли ишлатишга, ҳар бир теримчи белгиланган нормаларини тўла ва ошириб бажаришига эришди.

Машиналар терим суръатини кучайтиришда, кун сайин кўпроқ пахта терилиши ва тайёрлашишда муҳим роль ўйнаши аён. Шу тўғрйли биз айниқса бу йил кўпроқ майдондаги ҳосилни машиналар билан териб олишга алоҳида эътибор бердик. Совхозда мавжуд пахта майдонининг 63 проценти машина теримига ажратилган. Ана шу майдондаги ғўза машинабоп қилиб ўстирилди. Ҳосилли машинада терилган участкаларда ҳосил қўтилганидан ҳам зиёд бўлди. Бу, машина теримининг муваффақиятини таъминлайдиган энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Механизаторларимиз 2100 гектар майдондан 4000 тонна пахта ёки ялпи ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўқис мажбуриятини олишган. Қўлчилар илгор механик-ҳайдовчилар мавсумда 150-200 тоннадан пахта теришмоқчи. Биз теримчилар ва механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақани тўғрй йўлга қўйиб, қўлчилар килограммчилар ва мавсумда 100 тоннадан ортиқ пахта терадиган механизаторлар сафини кенгайтириш учун барча зарур чораларни кўрамиз. Теримда алоҳида намуна кўрсатган илгорлар рағбатлантириб борилади.

Машина теримига ажратилган майдонларда ғўза баргини сунъий тўқитиш бошланди. Бу муҳим тадбир 10 сентябргача тўла тугалланди. Дефолиация тамомлавиши билан оқ оғтин теримини бошлаб юборишга тайёр бўлиб турибди. Яқин кунларда ҳўжалик пахтазорларида мавжуд 19 та «зангори кема»нинг ҳаммасини сменада ишлатишга бошланади.

Райондаги «Правда», «Шарк жолдизи», Қарл Маркс номи колхозларида ҳам машина терими бошланди. Ҳозир район далаларида 30 дан ортиқ машина ишлатилди. Қорайқилин механик-ҳайдовчилар доҳийимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йилгига шарафига меҳнат вахтаси эълон қилиб, машина терими планини 20 октябргача тўла бажаришни мўлжаллашди.

## МАШИНА ДЎСТ ЭКАН...

Койил қолдим машинанинг ишига, Пахта терар, ёрдам берар кишига. Мададкор теримда қари — ёшга, Машина одамга дўст, ҳамкор экан, Афсона тўқришга ҳожат йўқ энди, Машина теримда. Кўнгли тўқ энди, Ужар ҳам тан бериб, дер: «Қуллук энди», Машина олқишга сазовор экан.

**Кўчкор ТЕШАБОВЕВ.**



Бухоро область, Қоракўл районидagi «Москва», «Правда», Навоий номи ва Киров номи колхозларда машина терими қизитиб юборилди. Суратда: «Москва» колхозини даласида машина теримига киришилган пайт тасвирланган.

### МАЪЛУМОТ

Биринчи сўни — областлар, иккинчи сўни — дефолиация қилинган майдон [гектар ҳисобида], учинчи сўни — [процент ҳисобида]

Областлар	Биринчи сўни	Иккинчи сўни	Учинчи сўни
Бухоро	34409	21,5	
Қашқадарё	13944	21,4	
Тошкент	38309	19,2	
Сурхондарё	17436	14,5	
Қорақалпоғистон АССР	19442	13,9	
Сирдарё	41235	12,5	
Наманган	5814	5,8	
Хоразм	5320	5,3	
Андижон	83,96	5,2	
Самарқанд	7311	4,6	
Фарғона	4123	2,5	
Республика бўйича	195740	11,5	

### МАЪЛУМОТ

Узбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 1968 йил 9 сентябрга бўлган

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Биринчи сўни	Иккинчи сўни	Учинчи сўни
Қашқадарё	0,97	3,42	
Сурхондарё	0,58	2,54	
Тошкент	0,66	1,89	
Фарғона	0,75	1,74	
Наманган	0,35	1,10	
Хоразм	0,37	0,94	
Қорақалпоғистон АССР	0,18	0,56	
Сирдарё	0,11	0,42	
Самарқанд	0,34	1,04	

## ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

- Республикаимизда 1961 йили 3 миллион 50 минг тонна пахта етиштирилиб, шундан атиги 233 минг тонна ёки 7,7 проценти машиналар билан терилган эди. Бултўр етиштирилган 4 миллион 44 минг 800 тонна пахтаининг 1 миллион 550 минг 800 тонна ёки 38,3 проценти «зангори кема»лар билан териб олинди. Бу йил республикамиз механизаторлари машиналар билан 1 миллион 700 минг тонна оқ оғтин териб бериш мажбуриятини олишган.
- 1967 йили Сирдарё областининг механизаторлари ялпи ҳосилнинг 65,9 проценти, Тошкент областининг механизаторлари 61,8 проценти, Сурхондарё областининг механизаторлари 39 проценти, Хоразм областининг механизаторлари 38,9 проценти, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг механизаторлари 37,8 проценти, Самарқанд, Андижон ва Наманган областининг механизаторлари 31,8-33,6 проценти, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона областининг механизаторлари эса 19,7-29,5 проценти териб беришди.
- Бултўр Сирдарё областидаги Пахтазор, Пахтакор, Киров, Тошкент областидаги Оққўрғон районларининг ҳўжаликлари машина теримини кенг жорий этиб, жуда яхши натижаларга эришдилар. Ана шу районларда барча ҳосилнинг 74,2-81,6 проценти «зангори кема»лар билан териб олинди.
- Беш йилликнинг иккинчи йилида Сирдарё областидаги «Амалик» совхоз етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини, «Олга бо» совхоз 98,2 проценти, Янгийул районидagi «Интернационал» колхоз 95,9 проценти, Наманган областидаги «Гулбо» совхоз 94,2 проценти, Тошкент областидаги «Узбекистон ССР Беш йиллик» совхоз 89,4 проценти машиналарда териб олиб, энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.
- Утган йили «зангори кема» бункеридан 389 тонна оқ оғтин тўққан Ҳафиз Полвонов, 365 тонна пахта терган Маннон Жалолов, 351 тонна пахта терган Мамажон Дадажонов, 300 тонна пахта терган Жавод Кучиев, 290 тонна пахта терган Шаймардон Қудратов ўтқорлар республика механизаторлари мусобақасида пешадамлик қилдилар.
- Бултўр республикамиз пахта далаларида 25 минг «зангори кема» ишлаган бўлса, бу йил пахтазорларда 28 мингта яқин терим агрегати жавлон уради.

## МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Область пахтазорларида дастлаб терим агрегатлари кириштирилди. Машина теримини Қоракўл районидagi Навоий номи, «Москва» колхозларининг механизаторлари биринчи бўлиб бошлаб бердилар.

Навоий номи колхоз пахтазорлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йилгига шарафига бошлаб, пахта мусобакани қизитиб, 1235 гектар майдондаги ҳосилнинг 80 проценти бункерлардан тўқис мажбуриятини олдилар. Ҳўжалик механизаторлари «пўлат бедо»ларни аллақачонлар шайлаб, дала бошига чиқариб қўйган эдилар.

Дастлаб колхознинг Рамаб Гафуров бошлиқ бригадасида учта машина теримга туширилди. Мавсумда эл хирмонига 130-150 тоннадан пахта тўқитиш мажбуриятини олган Мустафо Жумаев, Афрок Қобулов, Барот Қовсиевларнинг ҳар бири теримнинг дастлабни кунини бункерлардан 2,5-3 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар. Хўжалик далаларида ҳозир 6 та терим машинаси ишлаб турибди.

Яқин кунларда уларнинг сони 10 тага етказилди.

«Москва» колхозини далаларида ҳам терим машиналарининг туширилган овози эшитилиб турибди. Хўжалик азаматлари бу йил она-Ватанга 5500 тонна қимматлигини ҳар бири теримнинг дастлабни кунини бункерлардан 2,5-3 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар. Хўжалик далаларида ҳозир 6 та терим машинаси ишлаб турибди.

Ҳозир кунларда уларнинг сони 10 тага етказилди.

«Москва» колхозини далаларида ҳам терим машиналарининг туширилган овози эшитилиб турибди. Хўжалик азаматлари бу йил она-Ватанга 5500 тонна қимматлигини ҳар бири теримнинг дастлабни кунини бункерлардан 2,5-3 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар. Хўжалик далаларида ҳозир 6 та терим машинаси ишлаб турибди.

Т. НАЗИРОВ.

# КЕНГ ЙЎЛ

## «ХАЗОРБОҒ» СОВХОЗИ ЙИГИМ-ТЕРИМНИ ҚАНДАЙ ҲАҚҚАДА?

### МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Пил-ён икки ой фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосили йиғиб-териб олинган дамлар келди. Ҳамма жойда терим таронаси янгра бошлади.

Хўжалигимизнинг юбилей йилда эришган ютуқлари айниқса қувончли бўлди: 3650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,1 центнердан хирмон кўтарилди. Она-Ватан омондорларига 13 минг 540 тонна «оқ олтин» тўқилди.

1967 йилда умумий даромад 6 миллион 149 минг сўмни ташкил этди. Шу жумладан пахтадан 5 миллион 573 минг сўм даромад қилинди. 1968 йилга нисбатан пахтадан 1 миллион 102 минг сўм кўп ёки 2 миллион 530 минг сўм соф фойда олди.

Ўтган йили олинган соф фойдадан 400 миллиондан 820 минг сўм кўп бўлгани туфайли совхоз ишчиларига ўрта ҳисобда 5 ойлик иш ҳақи миқдорига қўшимча мукофот берилди. Ҳозирги пайтда ҳар бир ишчининг бир ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 115 сўмга, шу жумладан механизаторлар ва сувчиларнинг иш ҳақи эса 140-150 сўмга тўғри келяпти.

Юбилей йилида ҳар бир ишчи ҳисобига 13,7 тоннадан пахта етиштирилди. Бу йил 15 тоннага етказилди. Шунингдек, хўжалигининг рентабеллиги республикамизда энг юқори даражага—71 процентга етказилди. Бу йил эса 80 процентга етказилиш учун курашмоқдамиз.

Азамат коллективимизнинг бу йилги маркази янада узунроқ бўлди. Бу йил ўтган йилга нисбатан ҳосилдорликни гектар бошига 3 центнер қўшимча қилди. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтаришга сўз берилди. Бу ўтган йилдаги 1000 тонна кўлардан, биз бarchа майдондаги ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олишга. 15 сентябрда машина теримини гуруҳ ва усулда оммавий равишда бошлаб, 25 иш кунинда пахта

тайёрлаш планини бажариш, теримга четдан ишчи кучлари жалб қилмаслик чора-тадбирларини белгилаб чиқди.

Теримни кенг қўламда механизациялаш ҳосилини қисқа муддатларда йиғиб-териб олишда, плани ва зиммага олинган мажбуриятни барвақт ва тез бажаришда, пахтанинг асосий қисмини биринчи сортларга топшириб, кўпроқ даромад олишда бебаҳо роль ўйнайпти.

Шу нарса диққатга сазоворки бу йилдан бошлаб умумий ҳосилнинг 40 процентидан то 50 процентигача машинада терилиб, давлатга сотилган 1-сорт пахтанинг (40 процентдан ошганга) ҳар бир тоннасига давлат томонидан 40 сўмдан қўшимча ҳақ, 51 процентдан то 70 процентгача эса 80 сўмдан қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар ҳақида жуда буюк, янги тамжуранининг ифодасидир. Биргина бизнинг хўжалигимиз бу йил ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олган тақдирда, 40 процентдан 50 процентга бўлган 1060 тонна пахтанинг ҳар тоннасига 40 сўмдан жами 42.400 сўм ва 51 процентдан то 70 процентгача топширилган 2.120 тонна пахтанинг ҳар тоннасига 80 сўмдан жами 169.600 сўм, ёки ҳаммаси бўлиб 212 минг сўм қўшимча ҳақ олади.

Буни яхши тушунган механизаторимиз 62 та терим агрегатининг ҳаммасини 20 августдаёқ тўла ва сифатли ремонт қилиб, пайкаллар бошига чиқариб қўйдилар. Инки сменада ишлагани тўла таъминлаш мақсадида 130 механик-ҳайдовчи

тайёрланди. Механик-ҳайдовчилар ҳар бир агрегат билан мажмуида камда 130 тоннадан «оқ олтин» териб мажбуриятини олдилар. Тўғри Мирзақуллов, Абдурахмон Жаиллов, Жаббор Раҳмонов, Қарши Тулабоев, Қарши Шафоевот, Ҳроз Эсонқуллов сингари унлаб моҳир механизаторлар ўтган йилда 170-210 тоннадан пахтага бункерлардан тўққан эдилар. Бу йил уларнинг ҳар бири 200-300 тонна пахтага пўлат этакларда териб беришга аҳд қилдилар.

Бизда гўза кенг қаторлаб жойлаштирилганлиги сабабли терим агрегатлари ҳам шунга мослаштирилган. Масалан, «17 ХВ-1.8» маркали 48 та машина қатор ораси 80 сантиметр «ХВС-1.6» маркали 9 та агрегат қатор ораси 80 сантиметр «ХВС-1.6» маркали 9 та машина қатор ораси 60 сантиметр кенгликдаги пахтакорлар теримга мослаштирилган. Кенг қаторларда машина билан пахта терим жуда катта афзалликларга эга. Аввало шунинг айтиши кераки кенг қаторларда пахта терилган машиналарнинг иш унуми 35-40 процент ошади. Бу эса машиналар сонини қисқартириб, ортинча харажатларни камайтириш имкониятини яратди. Жумладан, 1967 йилда совхозимизда 86 та агрегат билан 7300 тонна пахта терилган бўлса, бу йил 62 «азиратори кема» билан 8500 тонна «оқ олтин» бункерлардан тўқилди. Бунинг иқтисодий афзаллигини изоҳлаб ўтиришнинг хожати ҳам бўлмас керак!

Шунинг ҳам айтиши кераки, машина терими кенг қўламда қўлланилаётганлиги туфайли,

1965 йилдан бери биз теримга четдан ишчи кучлари жалб қилмай қўйдик. Шундай бўлса, йиғим-терим муддатлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда, кузги шудор жуда қўлай ғубратларда ва барвақт ўтказилмоқда.

Буни барча ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги шудорини ўтказиш даври кейинги ўт йилда қандай қисқарганлигига таълуқли қўйишда мисолдан кўриш мумкин. 1965 йилда ҳосил йиғим-терими 1 сентябрда бошланиб, 20 ноябрда тугалланган ва 80 кун давом этган эди. Ҳа йилда кузги шудорлашга 25 ноябрда киришиб, уш 5 январда, яъни 40 кунда тамомлаган эдик. 1966 йилда ҳосил йиғим-теримини 10 сентябрда бошладик ва 10 ноябрда, яъни 60 кунда тугалладик. Кузги шудорлаш 15 ноябрдан 20 декабргача—35 кун давом этди. Бултур эса пахта терими маъноси 47 кун давом этди. У 15 сентябрда бошланиб, 2 ноябрда тугалланди. Кузги шудорлаш 2 ноябрдан 28 ноябргача, яъни 26 кун давом этди.

Бу йил белгиланган қатъий тадбирларимизга қўра етиштирилган барча ҳосилни 40 кун ичида йиғиб-териб давлатга топшириш ва кузги шудорини 1-ноябрда бошлаб, 20 ноябрда тугалламоғимиз керак. Биз бу улкан вазифаларнинг уaldasидан албатта чиқамиз.

Биз 1961 йилдан бери пахтачилик агротехикасида янги прогрессив методларни кенг жорий этиб келамиз. Бу йил

3650 гектар майдондан 3250 гектарига экин қатор оралари 80 ва 90 сантиметрлик схема асосида кенг қаторлаб жойлаштирилди. Фақатгина уруғнинг элти, 1 ва 2-репродукция пахта уруғлари илгартиги схемалар асосида ўстирилди. Кенг қаторларда ўстирилган тўзалар бўлиб, бақувват, серҳосил ва насалларга чидамли бўлиб ўсмоқда. Чунки бундай ўсимликлар қуёш нуридан, ҳаво ва сувдан керагича баҳраманд бўлиб ривожланади.

Бундан ташқари экинлар кенг қаторлаб жойлаштирилган 2500 гектар майдонга гербицидлар ишлатганимиз жуда аjoyиб натижа берди. Бу майдонларга манурон, диурон ва қаторон гербицидлари солинганлиги туфайли бирор тўп ҳам бетона ўт кўкармади. Натигада ҳар бир гектар ери уч марта чопчи қилишга сарфланган 64 сўм 50 тийин ўнганга аттиги 7 сўм харажат этилди.

Совхозимиз пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Ўзбекистон қолхоз ва совхозларида пахта терими ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарорини кенг муҳокамга қилиб ҳамда Тошкент область Йиғини районидagi «Интернационал» қолхозини ва шу областнинг Бўна районидagi «Октябрь 40 йилдиги» қолхозини аъзоларининг ташаббусини яқдиллик билан маъқуллаб, юқоридagi чора-тадбирлар ва қатъий режаларни белгилашди. Биз белгиланган тадбир режаларининг ҳаммасини сўзсиз амалга оширамиз. Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз.

**Э. ЭРГАШЕВ,**  
«Хазорбоғ» совхозининг директори.



Грамдан ҳаво флотини учувчиларини пахтакорлар уларнинг нотули дўстлари деб билишди, Бунинг ани шу суратда ҳам кўриб туришимиз. «Хазорбоғ» совхозини пахта даладарига самолётдан дори сеппилмоқда. И. Ким фотоси.

## ШАЙМИЗ

Совхозимиз коллективи беш йилликнинг учинчи йилида етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини агрегатлар бункеридан тўқиб мажбуриятини олган. Бу юксак мажбуриятини қисқа вақт ичида муваффақият билан бажарилиши асосан механизациялашнинг теримга пўхта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир. Коллективимиз шунинг ҳисобига олинган машиналарини дала ишчиларига мўддатидан анча илгарти шай қилиб қўйдик. Мавжуд 48 та «17 ХВ-1.8» маркали «ХВС-1.6», 5 та «ХВ-1.2» маркали пахта терим агрегатлари, 28 та курак терим машиналари, 26 та «ПХП-1.8» маркали подборщиклар ремонтдан чиқарилди.

Бу марказлардан кўришиб турибдики, совхозимиздаги барча пахта терим агрегатлари экин кенг қаторлаб жойлаштирилган даладарда ишлайди. Бу эса терим машиналаридан тўла қувват билан фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир машина билан мажмуида 130 тоннадан ошириб пахта теримини мўтлақлаб қўйдик. Машиналардан тўла ва унумли фойдаланиш мақсадида ҳар агрегатга 2 тадан механик-ҳайдовчи бېриштирилди. Улар кўп йил ишлаб, ҳосилини машинада теримда катта тажриба орттирган механизаторлардир. Масалан, Мирзаали Нурманов, Носир Ярашев, Тўғри Мирзақуллов, Жаббор Раҳмонов, Қарши Шафоевот каби механик-ҳайдовчиларимиз ўн йилдан бунча пахта терим машиналарини бошқариб келмоқдалар. Улар ҳар йили 150-200 тонна ва ундан ҳам кўпроқ «оқ олтин»ни агрегатлар бункеридан тўқайтиралар.

**В. Н. КАН,**  
«Хазорбоғ» совхозининг бош инженери.

Совхоз ишчилари: қанотимиз пўлатдан, деб бемин айтишмаган. Негаки, терим агрегатлари уларнинг оғирини енгил қилмоқда. И. Хўнанов олган бу суратда машиналарнинг теримга шай қилиб қўйилган пайти тасвирланган.



Танишинг: «Хазорбоғ» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Тўғри Мирзақуллов. Унинг бригадаси пахтадан мўл ҳосил етиштирди. И. Хўнанов фотоси.

## Коммунистлар

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги» қарорини мувофиқ биз мамлакатда биринчилар қаторида энг система асосида ишлай бошладик.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада қўлайитириш, унинг таъминини пасайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш соҳасида совхоз олдига кенг ишчибўлар очилди. Шунинг учун ҳам совхоз коллективи 1967 юбилей йилида яхши натижаларга эришди. Она-Ватан хирмонига 13 минг 540 тонна «оқ олтин» тўқилди. 3650 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ошириб ҳосил олинди. 1 центнер пахтанинг таннархи планга нисбатан 2 сўм камайтирилди. Совхоз 2,5 миллион сўмдан кўп соф фойда олди.

Бундай ютуқларга эришимизда совхоз коммунист ва комсомоллари авангардлик ролини ўйнадилар. Биринчи бўлиб (Бошқили КПСС аъзоси Дўқсоби Мирзақуллов, партия ташкилотининг секретари Умар Раҳмонов) 880 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олди.

КПСС аъзолари: Рузи Нурманов, Исमत Рўзиев, Худойқул Ҳамроев, Раҳмон Маматрахимовлар бошқарган бригадалар ҳар гектаридан 42-45 центнердан хирмон кўтардилар. Коммунист, механик-ҳайдовчилар Тўғри Мирзақуллов, Мирзаали Нурманов, Носир Ярашев, Қарши Шафоевот, Маматқул Утаевлар машиналарда 200-260 тоннадан пахта тердилар.

Катта коллективимизнинг юбилей йилидаги меҳнатига Коммунист партия ва Совет ҳукумати юксак баҳо берди—Совхоз Ленин ордени билан мукофотланди. Илғор пахтакорларнинг катта гуруҳини ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Совхоз коллективи доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил юксак мажбуриятлар олди. Она-Ватанга 1968 йилда пахта етказиш мажбуриятимиз 14 минг 600 тонна. Даладаримизда меҳнатқилларимизнинг эз бўлиб қилган меҳнатлари туфайли мажбуриятга яраша ҳосил етказилди.

Пахтаини қисқа вақт ичида териб давлатга топшириш ва 14.600 тонналик мажбуриятни бажариш—совхоз мажбуриятини бажариш—совхоз мажбуриятини, партия ташкилоти, ишчилар комитети ва

комсомол комитети зиммасига юксак маъсулиятни юклайди.

Терим маъсумиди маҳнатқилларга меҳнатчи, савдо қизмати, ишчи хизмат кўрсатиш, газет ва журналларни ўз вақтида бунқарилаб етказиб бериш ишчилари. Йиғим-терим даврида агитация—пропаганда ишига алоҳида эътибор берилди. Партия комитети қошида 6 та агитпункт, 24 сиссий ахборотчи, 82 сиссий ташкилотчи ва 18 та агитатор ишлаб турибди.

Пахта терими даврида моддий манфаатдорлик принципни назорат билан амал қилдик. Қуллик нормани бажарган механизаторларга асосий иш ҳақининг 30 проценти миқдоридан, пахта теримининг сифатини таъминлагани учун яна 10 процент миқдорини қўшимча ҳақ тўланади.

Мавсумда 160 коммунист ва 300 дан зиёд пахта теримда қатнашди. Коммунист ва комсомоллар социалистик мажбуриятларни бажаришда 1968 йилда ҳам авангардлик ролни ўйнайдилар.

**А. ТУРДИЕВ,**  
«Хазорбоғ» совхозини партия комитетининг секретари.

## ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Бизда кенг қаторлаб чигит экинча 1961 йилдан бошлаб ўғилди. Ҳа йилда 80 гектар арча ана шу усулда чигит экинди. Экинчи янги усулда ўтказиш ҳажми йил сайин кўнайтириб борилади. Бу йил 3200 гектар арча экин кенг қаторлаб жойлаштирилди. Кўп йиллик тажрибалар кенг қаторлаб чигит экиннинг ҳар жиҳатдан афзал эканлигини кўрсатди. Бу усул бизга экинчи қисқа муддатда ўтказиш ва чигитни барвақт текис ундириб олиш имкониятини беради.

Бугина эмас, янги усулнинг қўлланилиши баҳорда юз берган об-ҳаво қийинчиликларини ўз вақтида бартараф қилишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу йил баҳорда 1308 гектар майдонга чигит қайта экинди. Шунга қарамай, уруғ қисқа вақтда текис ушиб чиқди ва гўза жадал ойналанди. Бунинг натижасида экин қатор ора-

рини юмшатилиши кечиктирмай бошлаб юбориш чигит қайта экинган даладардаги гўзани яхши гўзалар даражасига тез кўнча етказиб олиш учун шароит яхшироқ келди. Ҳамма майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Кенг қаторлаб чигит экиннинг яна бир афзал томонини шунданки, бу даладарда гербицидлардан самарали фойдаланилади. Совхозимизда бегона ўтларга қарши манурон, диурон, қаторон ваби гербицидлар ишлатилди. Бу дориворлар бегона ўтнинг ердан бош кўтариб чиқишига имконият бермади.


Чигит кенг қаторлаб экинган участкаларда сугориш ағатлари анча чуқур ва текис олинди. Сув юксак агротехника қоидаси асосида олинган ағатларга жилдириб таралди. Сунинг бир жойда қўллаб қўлиш, ағатларини янчиб негизи ҳоллари юз бермади. Ҳар бир

сугоришда гўза қоиби сув ичди. Сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги бир ярим-икки барабар ошди. Бунда ағатларнинг 250-300 метр узунлигида олинганлиги ҳам катта роль ўйнади.

Бу йил ҳосил гўзанинг пастки ярусларида айниқса кўп бўлди. Пахта ҳам пастки ярусларида очила бошлади. Совхозимизда дефолиациялашни ўтказиш муддати ана шунга қараб белгиланди. 2727 гектар майдондаги гўза баргини сунтий равишда тўктириш учун дори пурикалади ва чапталанди. Дефолиация бошланган дастлабки кунларда бутифос сеппилди, кейинчалик хлорат магнийдан фойдаланилади. Шу тариқа терим машиналарнинг унумли ишлагани учун кенг йўл очиб берилди.

**П. Я. КОРЕТИН,**  
«Хазорбоғ» совхозининг бош агрономи.

- 80 процент ҳосил бункердан тўқилади.
- Ҳар бир машина билан ўртача 130 тоннадан пахта терилади.
- Машиналарни унумли ишлатишдан совхоз 212 минг сўм қўшимча даромад қилади.



## РЕЖАМИЗ

Бир неча йиллардан бери бўлишимиз совхозда пешқадамликни кўздан бермай келаяпти. Бунинг бемин бор. У ҳам булса қандай меҳнат сарфлаб, мўл ва арзон пахта етиштириш, катта даромад олиш сирларини ўрганиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этидилар.

Айниқса теримини машиналаштириш деҳқончилиги маданиятини кўтариш, меҳнат унумдорлигини бекиниш охириги ҳамда барча ҳосилини йиғиб-териб олиш муддатларини қисқарттиришда ҳаят улкан имониятлар яратди.

Бўлишимиз ишчилари юбилей йилида 880 гектар ерда пахта

та етиштириб, гектардан 40 центнердан—жами 3520 тонна «оқ олтин» сотдилар. Бу совхозимиз бўйича етиштирилган янги ҳосилнинг турдан бирдан ҳам кўпдир. Давлатга сотилган пахта эвазига биргина бизнинг бўлигимиз 700 минг сўм фойда кўрди. Ёки пахтачиликнинг ўзиндан 1,5 миллион сўмга яқин даромад қилиди.

Пахтанинг таннархи хўжалигимизнинг умумий кўрсаткичига нисбатан 15 процент арзонга тушди. 1 центнер пахта етиштириш учун совхоз бўйича ўртача 2,44 кишини сарфлаган бўлса бизнинг бўлимида 1,9 кишини сарфлаганди.

Бўлигимиз ишчилари бу йил ўз устларига янада оширилган мажбуриятлар олдилар. Улар ҳар гектар майдондан 45 центнердан хирмон кўтаришга, 90 процент ҳосилни машиналарда териб олишга сўз берди, зўр иштиёқ билан меҳнат илжалтдилар. Планини 18.20 иш кунинда бажаришга аҳд қилганмики,

**Дўстқоби МИРЗОҚУЛОВ,**  
«Хазорбоғ» совхозининг 1-булиб бошқарувчиси.

## ҲАММАСИ МАШИНА БИЛАН

Биз пахтачиликни ривожлантиришда комплекс механизацияга таяниб, Валентин Топлюко ва Жаҳод Кўчеве усулларини кенг жорий этиб, деҳқончилигимиз тарихида ҳеч қачон кўрилмаган натижаларга эришдик. Ишчи нарядида ва талбасиз ташкил этиб, бутун юкни техника елкасига юклядик.

Ўтган юбилей йилида бригадамиз аъзоларини 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан хирмон кўтардилар. Етиштирилган ҳосилнинг 90 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Мен ўзим бошқарган «17 ХВ-1.8» маркали агрегат билан мавсумда 256 тонна пахта тердим.

## Мен бошлик бригада билан мусобақадор топқочи Абдурахмон Жаиллов бошлик бригада аъзолари ҳам кўп меҳнат сарфлашдан 46 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45,4 центнердан «оқ олтин» териб олдилар. Эвазига аъзолари ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда йиғиб-териб топширдилар.

Биз бу йил дала ишларини ўтган йилдагидан ҳам яхши ташкил этиб, кутганимиздан ҳам кўп ҳосил етиштирдик. Мусобақадор коллективларимиз ҳар гектар ердан 50 центнер ҳосил олди, етиштирилган пахтаини 100 процент машиналарда 0,5 топширишга сўз бердилар.

Ҳозирги кунларда энгиллик ва бўлиқлик пахтакорлар қиррига қўшилиб, пўлат оларининг шайлаб қўлдирди. Мен 15 кунда, мажбуриятини 25 кунда бажаришга бел боғладим.

**Т. МИРЗАКУЛОВ,**  
«Хазорбоғ» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.

